

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ БУЙИЧА ХУЖЖАТЛАР

Шахрисабз шаҳар 1-сон касб-хунар мактаби

Шахрисабз шаҳар 1-сон касб-хунар мактаби негизидаги Қурилиш соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш марказида тахсил олиб яшаётганларга 3 маҳал (эрталабки нонушта, тушлик ва кечки овқат) иссик овқат билан таъминлаш буйича иш ва хизмат бажарувчи ташкилотлар уртасида баҳолаш мезони орқали танлов эълон қилади.

Буюрмачи: Шахрисабз шаҳар 1-сон касб –хунар мактаби

Молиялаштириш манбаи: Шахрисабз шаҳар 1-сон касб –хунар мактабининг бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан.

Баҳолаш мезонида иштирок этиш учун иш бажарувчи ташкилотлар куйидаги талабларга жавоб бериши лозим. Уқувчилар учун тайёрланадиган озик-овқат маҳсулотларини малака ва куникмага эга булган ошпазлар томонидан гигиеник коидаларга риоя қилган ҳолда тайёрланиши керак ва бита тахсил олувчига бериладиган озик-овқат маҳсулотларининг каллорияси нормага асосан тугри келиши керак, шартнома тузиш вақтида фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги ваколатга эга булиши керак.

Барча Солиқ ва устама харажатларни ҳисобга олган ҳолда сентябр ойи учун 130 907 652 сумни ташкил қилади.

Жами калькуляция буйича 130 907 652 сумни ташкил этади.

Иш ва хизматни бажариш муддати -1 (бир) ой (сентябр ойлари)

Баҳолаш мезони буйича иштирокчилар: Қушимча маълумот олиш учун баҳолаш мезони ташкилотчиси Шахрисабз шаҳар 1-сон касб-хунар мактабининг куйидаги манзилга мурожат этишлари мумкин:

Шахрисабз шаҳар.Номозгоҳ МФЙ.Тарагай Баҳодир кучаси -28 уй.

Телефон 90-716-75-90

Буюртма бериш муддати. Эълон чоп этилган кундан бошлаб 5 кун.

Баҳолаш мезони шarti Шахрисабз шаҳри.Тарагай Баҳодир кучасида жойлашган Қурилиш соҳаси малакали мутахассисларни тайёрлаш марказининг тахсил олувчиларнинг овқатланиш тартибини жойга чиқиб урганиш ҳисобланади.

Маъсуллар: **Комиссия раҳбари ва аъзолари**

1. БАХОЛАШ МЕЗОНИДА КАТНАШАДИГАН ИШТИРОКЧИЛАРИГА КУЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

Иштирокчилар куйидаги мезонларга жавоб бериши шарт:

- шартномани бажариш учун зарур техник, молиявий, моддий кадрларга оид ва бошқа ресурслар борлиги;
- шартнома тузиш буйича конуний ҳуқуқига эга эканлиги;
- уларга нисбатан банкротлик таомили киритилмаганлиги;
- ноҳалол иштирокчиларнинг ягона реестрида улар ҳақида кайднинг мавжуд эмаслиги;

Иштирокчилар уларни бажариш (хизмат курсатиш) учун зарур мутахассислар ва ресурсларга, касбий ва техник малакага, шу каби ишларни бажаришда етарли тажриба ва куникмага, шартнома тузиш пайтида фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги ваколатга эга бўлиши керак.

Танловда иштирок этиш истагида булган тадбиркорлар марказ ошхонасидаги шарт-шароитларини урганган ҳолда таклиф беришлари мақсадга мувофиқ.

2. БАХОЛАШ МЕЗОНИДА КАТНАШГАНЛАР УЧУН ТАЛАБ ЭТИЛАДИГАН ХУЖЖАТЛАР ТУПЛАМИ

1. Корхонанинг Молиявий баркарорлиги тугрисида маълумот - Солиқдан қарздорлиги йуклиги, банк кредит қарздорлиги, банк картотека қарздорлиги йуклиги тугрисида маълумот. Утган молия йили баланси ҳамда банк ҳисоб-рақами маблаг қолдиги тугрисида маълумот такдим этилиши шарт.

2. Фаолият курсатиш учун асосли ҳужжатлар-корхонанинг асосий фаолият тури буйича гувоҳнома, низоми, ишончли вакил учун ишочнома.

3. Тингловчиларни норматив буйича узлуксиз сифатли иссиқ овқат билатаъминлаш буйича калькуляция-Калькуляция бир порция овқат сандарт рецепт ва менюга асосланган ҳолда тузилади ва ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

4. Фаолият курсатиш учун мутахассислар мавжудлиги (3 нафардан кам булмаган микдорда)-Малакали ошпазлар мавжудлиги, диплом нусхалари, меҳнат стажи, сертификатлари, меҳнат шартномалари, буйруги (ошпазлар 3 нафардан, хизмат курсатувчи персонал 7 нафардан кам булмаган микдорда)